

ЎЗБЕКИСТОН
БОЛАЛАРИ ВА
УСМИРЛАРИНИНГ
ГАЗЕТАСИ.

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган.

НОЛДУЗИ

Оилада ёлғиз фарзандман. 1-синфга эндигина қадам қўйиб, ҳарфларни ҳижжалаб ўқий бошлаган чоғларимдан бери «Тонг юлдузи» (аввалги «Ленин учқуни») газетаси билан дўстлашиб келаман. Бу газетани жуда яхши кўраман, ҳар сонини интизорлик билан кутаман. Бўш вақтларим унчалик кўп эмас. Дарсларимни тайёрлаб бўлгач, уй юмушларига қарашаман, француз тилига қизиқаман. «Тонг юлдузи»ни ҳар доим ойишоним билан бирга ўқиймиз. Газета ҳамроҳим бўлса, ҳеч зерикмайман. Авваллари ҳафтада икки марта таба уйимизга келадиган «Тонг юлдузи»ни ҳозирги кунда ҳафтада бир марта чиқаётгани, яқин кунларда эса умуман чиқмай қолиши ҳам мумкинлиги ҳақида эшитиб, ҳафа бўлиб кетдим.

Дугоналарим билан шу мактубни ёзишга қарор қилдим. Газетанинг чиқиш-чиқмаслиги, тақдири кимнинг қўлида эканлигини билмайману, лекин каттақон амакиларимдан ўтишиб илтимос қилмоқчиман. Жумҳуриятимиздаги тенгдошларимиз ҳаёти, амалга ошираётган ишлари билан танишиб, ўзаро фикр алмашиб, керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатларни олиб турадиган сеvimли газетамизни ёпиб қўймэнглэр. Чунки биз бир-биримизга шу даражада ўрганиб қолганмизки, асти қўяверасиз.

ГУЛАСАЛБОНУ,
Тошкент шаҳар, Киров тумани
Юнусобод даҳаси.

«ПИОНЕРСКАЯ
ПРАВДА»НИНГ
ЕПИЛИШИГА ЙЎЛ
ҚЎЙМАЙМИЗ!»

ДЕБ ТАЪКИДЛАШМОҚДА
РОССИЯ ОЛИЙ КЕНГАШИДА

Яқинда Россия Федерацияси Олий Кенгаши Қўмитасида газета ва ойнамаларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар шароитида ўта муҳимдир. Россия Федерацияси Олий Кенгаши Қўмитасининг Раиси В. И. Брагин «Пионерская правда»нинг кўп сонли муштарийларига қарата мурожаат қилди: «2 миллиондан зиёд Россия болаларини ишонтириб айтаманки, сеvimли газетангиз «Пионерская правда» албатта яшаб қолади. Унга Россия ҳукумати, матбуот ва ахборот вазирлиги томонидан ёрдам кўрсатилади. Қўмитамиз асосан аҳолининг кам таъминланган табақалари учун мўлжалланган болалар ва ўсмирлар нашрларига ёрдам беришга қарор қилди. Биз ҳаммамиз шу газетада тарбияландик, у билан ўсиб улғайдик. Sevimли газетамиз «Пионерская правда»ни бугунги оғир иқтисодий шароитда ёлғизлатиб қўймаймиз. Унинг ҳозирги ўқувчилари олдида кизармаслик учун қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз.

МУҲАРРИРИЯТДАН:

Айни кунларда иқтисодий тақчиллик шароитида кўпгина ойнама ва рўзномалар қаторида, жумҳурият болаларининг ягона «Тонг юлдузи» газетасининг ҳам сонлари қисқариши, охир-оқибатда бутунлай чиқмай қолиши мумкинлигидан, 63 йиллик қадрдонлари, маслаҳатгўйлари тақдиридан ҳавотирга тушаётган муштарийларимиздан ташвишли мактублар келиб турибди. Кекса педагоглар, болалар етакчилари, ота-оналар, ҳаттоки, оддий ишчиларгача муҳарририятимизга ташриф буюриб, ҳар қандай оғир шароитда ҳам, фарзандларимизнинг ягона газетасини сақлаб қолишимиз керак, деган фикрларни билдиришмоқда, қўлларидан келган ёрдамни аяшмаяпти.

Газетангизни ҳали-ҳануз қўлимдан қўймайман, — дея сўзлайди кекса педагог Шарифа опа Ғаниева. — У менга болалигимни, соя-салқин жойларга ўтириб олиб, қизиқарли шеър ва ҳикояларни, мақола ва хабарларни ўқиб, ўзимча машқлар қилиб юрган бахтиёр онларимни эслатади. Узим 30 йилдан буён мактабда болаларга сабоқ бериб келаман. «Тонг юлдузи»нинг тарғиботчи, ташвиқотчи бўлиш билан бирга фарзандларимиз учун тарбия воситаси ҳам эканлигини тажрибамда синаганман. Шунинг учун сизлардан илтимос, унинг ёпилишига йўл қўймайман!

Жонкуяр, зийрак, талабчан муштарийларимизнинг ўринли ташвишларига, мактубларига биз, газета ходимлари ҳам ҳукуратимиз раҳбарларидан ҳудди Россия ҳукуратининг қарори сизгари жавоб олишга умид қиламиз.

Иродасини
бўйсундирган
бола

Қадимги Греция (Юнонистон)нинг бош шаҳарларидан бири Спартада антиқа бир одат ҳукм сурган. Оилада ўғил туғилса, катта бахт ҳисобланган ва унинг устидан тетапоя пайтларида синовлар ўтказилган. Масалан, ўғлонни баланд қоядан сувга иргитиб юбориб, унинг ортга, қояларга чирмашиб-чирмашиб қайтиши талаб қилинган. Агар ўғлон оқсоқоллар талабини бажара олса, уни навкарликка олишар, бажармаса...

Мен бу — ажойиб ва ғаройиб машқларнинг «қўзи»ни биладиган Холмурод Эшматов билан суҳбатлашганимда эл оғзида юрадиган юқоридаги одатлар хаёлимдан ўтди.

— Бир кун, — дейди у камтарлик билан, — телевизорда йогларнинг чиқишларини кўриб қолдим. Узоқ ти-

килдим. Сўнгра ўзимда ҳам етти ёт машқларни бажаришга иштиёқ туғилди. Бир кун шуғулландим, икки кун, уч кун... Хуллас, қарабсизки, мураккабликдан оддийликка қараб кетаяпман.

— Эҳтимол, сенга жисмоний тарбия машғулотидаги машқлар қўл келгандир?

— Йўқ, умуман олганда, булар орасида жуда катта фарқ бор.

— Хўш, хўш...

— Жисмоний тарбия машғулотида ўқувчилар ўқитувчи ва ўзини алдаши мумкин... Бунда эса ҳаммаси табиий бўлади...

— Сен ўз машқларингга




йўқотмаслик учун яхши ўйлаб чиқарилган машқлар бўлиши зарур ва бунга одатланиш, доимий ҳаракат қилиш лозим. Ортиқчалик, ўртачалик... менимча, булар ҳар кунги мувозанатга боғлиқ.

— Мана, ҳали 5-синфда ўқиётган экансан, қандай орзуларинг бор?

— Қанийди?..

...Холмурод гапининг сўнги-сини ошкор этмоқликка ботинолмади. Аммо шундай эрсанда, унинг олов кўзларидан нималарнидир ўқиб олиш мумкин эди. Мана улар: қанийди мен ҳам махсус жойларда шуғуллансам. Керакли одамлар олдига борсам ёки улар келишса, ўз машқларимни намоён этсам, камчилигимни айтишса...

Т. НИЕЗ.



камчилик, ортиқчалик, ўртачалик сезасанми?

— Камчилик..., албатта, ҳар қандай бошланган ишда камчилик бўлади. Бор хислатни

МУҲАРРИРИЯТДАН: навниҳолга ҳимоя ва қаров лозим. Эътиборсизлик оқибатида ниҳоли қуриб қолиб, мева бермаса, ундан ранжиш ноўрин бўлур эди. Модомки, шундай экан, Холмуроднинг қобилиятига ота-онаси, ўқитувчилари жиддий эътибор берадилар. Ундан ёрдам ва маслаҳатларини аямайдилар. Муҳими — у ўз қобилиятига, иродасига ишонади.

Суратларда: Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Холмурод Эшматов йог машқларини бажармоқда.

Бизга айтишам, бобом...

Мен тарихга, айниқса, Ўзбекистонимизнинг ўтмишига жуда қизиқаман. Шунинг учун кўпинча бобом Руқийддин Муҳамедов билан болалик йиллари ҳақида суҳбат қураман.

Бобом Тошкент шаҳридаги Шайхонтоҳур даҳа, Девонбеги маҳалласида жойлашган Хонхўжа домланикидаги 4 йиллик мактабда таҳсил олган эканлар. Хонхўжа домла Девонбеги маҳалласининг имоми бўлиб, шу маҳалла атрофдаги Эгарчи, Олмазор, Қатортерек маҳаллаларининг болаларига қирқ йил давомида таълим берган эканлар.

Бу мактаблар ўқитиш услуби бўйича жаҳид мактаблари бўлиб, дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. 1-синфда ҳуснихат, ҳисоб дарслари ўтилган бўлса, 1—2-синфларда «Муаллими аввал» ва «Муаллими солий» китоблари ўқитилган. 2-, 3-, 4-синф ўқувчилари эса табиёт, жўғрофия, ҳисоб каби кўплаб фанларни ўқиб-ўрганишган экан. 4-синфда бошқа фанлар қаторига араб ва форс тиллари ҳам қўшилган. Бобомлар ўқиган дарслик китоблари Қозон шаҳрида чоп этилган бўлиб, форс ва татар тилларида бўлган.

Бобом айниқса, ўз ўқитувчи-

лари Элбек (Машрик) ни яхши эслайдилар. Бу дунёқароши кенг, билимли бўлган домла жўғрофия фанидан дарс берган экан.

Бобомнинг болалик вақтларида ҳам мактабларда имтиҳонлар ўтказишган. Имтиҳонлар асосан йил охирида ўтказилиб, бу ерга ўқувчиларнинг ота-оналари ва бошқа меҳмонлар таклиф этилган. Фанлардан яхши баҳо олиб синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган болалар турли совғалар билан мукофотланганлар. Шундай имтиҳонлардан бирида бобомга шайх Саъдийнинг «Ғулистон» асарини совға қилинган экан.

Моҳира АЪЗАМОВА,

82-мактабнинг 6-«Б» синф ўқувчиси.

БУГУН КИМ ТУҒИЛГАН КУН?


Болалар бу кун ким туғилганини биласиз-а? Владимир Ильич Ульянов — Ленин. XX аср солномасида ундан кўп тилга олинган инсон бўлмаса керак. Айниқса, 1917 йилги Октябрь тўнтаришдан кейин 74 йилча ўнлаб халқлар тақдирини бирлаштириб турган собиқ СССР деб аталмиш «Ватан»да бу номсиз тонгимиз отмас, кунимиз ботмасди. Ўзимизга ишонмасак-да, Ленин таълимотига ишонардик, унинг олдида доимо ўзимизни қарздор деб билардик. Унинг туғилган куни эса шакшубҳасиз ҳаммамиз учун улуғ байрам, катта шодиёна ҳисобланарди. Болалар:

Бугун Ильич туғилган
Бугун севинч туғилган...

Ленин бобомлар — менинг бобомлар, деб куйлашарди. Энди-чи? «Қайта қуриш» билан бошланган демократия, ошкоралик туфайли жумҳуриятлар мустақилликка эришди. Доҳийга муносабат, номига ҳурмат ҳам ўзгарди. Ярим асрдан ортиқ даврда Ленин номи билан аталишини фахр ҳисобланган шаҳарлар — Ленинград — Санкт-Петербург, Ленинобод — Хўжанд, Ленинск — Асака каби аввалги номларига қайтишди. Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Унинг неча йиллар кўча ва қишлоқларга салобат, кўтаринчилик бағишлаб турган сурат ва ҳайкаллари тўбора сийраклашаётгани, жойидан олиб ташлаётганлиги ҳам сир эмас.

Ленин шахси ва фаолияти ҳақидаги фикрлар тўбора турли-туман, баҳсли, зиддиятли бўлиб бормоқда. Биров Ленинни ҳамон озодлик курашчиси деб билса, иккинчиси эрк жаллоди деб атамоқда.

Ҳозир биз уларнинг қайси бири ҳақ-ноҳақлиги ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Эки бу шахс ҳақидаги ўз фикримизни сизга сингдириш ниятидан йироқмиз. Албатта, бизнинг ўз фикримиз бор. Лекин бу жойни сизга очиқ қолдираётимиз... Ва мавруди бўлгани учун сиздан сўрамоқчимиз: сизнингча, Ленин ким? Унинг инсоният бахти ва озодлиги, қўллиги ва бахтсизлиги йўлида хизматлари қандай бўлган? Бу ҳақда кўнглингиздан кечган энг одил хулосани бизга ёзиб юборинг.



Ленин ҳақида сиз нима деб ёзардингиз?

Фалокат оёқ остида. Тўсатдан келиб ҳаммаёқни фарот қилиб кетади. Шу йилнинг 2 апрелидан 3 апрелга ўтар кечаси Занги ота туманидаги 11 мактабга ўт кетди.

Дурадгорлик устахонасидаги электр ишхона натижасида чиққан ёнғиндан бир зумда бутун мактаб кучли алаңга ичида қолди. Кўп ўтмай етиб келган ўт ўчирувчиларнинг саъй-ҳаракати, маҳалла аҳлининг ўзини ўтга, чўққа уриши ҳам фойда бермади...

Минг азоблар билан ҳунар даргоҳига айланган устахонада битта ҳам дастгоҳ соғ қолмади. Вой кутубхона, замонавий жиҳозли фан хоналари кулга айланди.

Мактаб 1948 — 1949 йилларда худди шу қишлоқ аҳли — Еқуб ота Зиёев (бир йилдан буён мактаб шу заҳматнаш инсон номи билан аталарди.) бошлиқ фи-

дойларнинг пешона тери, ҳашар йўли билан тикланган. Мактабнинг ёшларга илм ва тарбия беришда ҳатто жумҳурият миқёсида намунали илм ўчоғларидан бири бўлгани сир эмас.

Бироқ юз берган мудҳиш воқеа мактаб илдизига гўё болта урди. Бу болта зарбидан фақат ўтмишнинг яхши иш ва анъаналари зарарланиб қолмади. 450 нафар ўқувчи мактабсиз қолди.

Ёнган мактабда бўлган

ФАЛОКАТ

туман, вилоят раҳбарлари, жумҳурият халқ таълими вазирни ўринбосари унда ўқувни давом эттириш мумкин эмаслигини таъкидладилар ва Жарариққа яқинроқ жойлашган Тошкент

шаҳри, Октябрь туманига қарашли 299-мактабда ўқув йилини тугаллашга келишди.

Албатта, бу чора вақтинчалик. Лекин унинг кейинги ўқув йилида ҳам шундай давом этиш эҳтимоли икки томонни ҳам қаттиқ ташвишлантираётир.

Биринчидан, икки мактаб ўқувчи, ўқитувчиларнинг бир жойда бўлишлари керагидан ортиқ қийинчилик ва тартибсизликлар туғдиради.

кичикнинг ягона тилаги.

Бу йўлда мактаб жамоаси ва маҳалла аҳли ҳамма меҳнат ва машаққатларга тайёр. Ҳатто маҳалла ободончилиги учун тўпланган озгина маблағни ҳам керак бўлса, сарф қилишади. Лекин бугунги иқтисодий қийинчилик шароитида бор маҳсулотларнинг баҳоси осмонда эканлиги ҳисобга олинса, бу жон куйдириш-



Иккинчидан, жарариқлик ўғил-қизларнинг бу мактабга қатнаш машаққати — йўл узоқлигидан ҳам ота-оналари ташвишда. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг бориб-келишлари оғир. Транспорт юрмаса...

Учинчидан, шу пайтгача қишлоқда болаларнинг тарбияси, ҳатти-ҳаракати, юриш-туриши ўқитувчилар назоратидагина бўлмай, бу ишни қишлоқ аҳли — оқсоқоллар, ота-оналар ҳам йўлга қўйишганди. Энди эса болалар ўз-ўзидан қишлоқ худудидан чиқиб кетишади. Маҳалла назоратидан ҳам. Болалар ўртасида ҳар хил кўнглисиз воқеалар кўпайгани бир паллада жарариқликларнинг «болаларимиз кўз ўнгимизда ўқишин» деган талаблари жуда ўринлидир. Шу бонс ёнган мактаб ўрнида янги мактаб биноси қад кўтариши зарурлиги жарариқлик катта-

ЧЕТ ЭЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИНГ ХАЁТИДАН

ВИДЕОБИЗНЕС ВА БОЛАЛАР

«Шпигель» номли немис ойномасида педагог Вернер Глогауэрнинг қизиқарли кузатишлари эълон қилинган. Аугсбурглик профессор кўп йиллар давомида жойлардаги маъмурий суд идоралари ҳужжатлари билан таниша бориб, шундай хулосага келган: вояга етмаган ўсмирлар орасида содир этилаётган зўравонлик аломатлари бўлган жиноятларнинг характери оммавий ахборот воситаларида ёзилаётган, шунингдек, видеоларда кўрсатилаётган фильмларга мос келади. Видеоларда берилётган «қонли эртактлар»ни томоша қилиш болаларнинг турли жиноятларга қўл уришларига тўртқа бўлмоқда. Ноқобил онлаларнинг фарзандлари ёшлик чоғларида ота-оналари, атрофидаги кишилар томонидан кўп марта қалтакланган бўлганликлари учун улар мукамал ривожланмай қолишлари, кўрқув ҳисси кучли, кўнглилари бесаранжом, асабий бўлиб улғайишлари кузатишган.

Шу фикрларга асосланиб, германиялик педагог кўп ҳолларда болалар тўғридан-тўғри видеобизнес қурбони бўлиб қолмоқдалар, деб ҳисоблайди.



АНГИЛИЯ. Лондоннинг ўнча катта бўлмаган Ист-Энд тумани ўзининг беш тарихий турли маданият меросларининг қоринчилиги билан Бошқа туманлардан фарқ қилади. Лекин, бу ўнинг ягона хусусиятидир. Бу туманда ишчилик ва кам-бағаллик уз кўргандек. Ист-Энд ўзининг майда бизнесини тўбора сийиб чиқараётган Оврупонинг моддий маркази бўлиш Ситидан кескин фарқ қилади. Бангладешнинг аҳоли истиқомат қиладиган бу туманда асосан шериқ гипамларнинг тўқаш ва сотиш билан шуғулланишлар. Бундай гипамлар соғилмадан тарихий Спитфилд болонининг Бошқа жойга кўчирилиши аҳолини равишмоқда. Танг аҳволдан чиққиларига, турар жой ва иш билан таъминлаш ишлари яхши-панишга унд ҳам қўлмак қўлган аҳолининг кўпгина қисми Лондоннинг Бошқа туманларига кўчиб кетишмоқда. Умуманан Бангладешлик гипамлар топ конадонларда синглиб кун кечришмоқда. Шундан бўлса ҳам бора-бора қийинчиликларга қарамай Ист-Энд аҳолиси ўз ватанини севинмади.

Суретда: Ун Бир ёшли Аҳмад исмили болакай (ўртада) 12-кўнглидаги торғина конадонда юки синглини ҳамда тўрт нафар ўниси билан бирга яшайди.



лар, тўпланган маблағ мактабни тез орада қайта тиклашга етмаслиги аниқ. Жарариқда замонавий типдаги мактаб қурилиши учун давлат ёрдами — етарли миқдорда маблағ керак.

Жарариқликлар туман ҳокимидан тортиб жумҳурият президентигача илтимоснома йўллашди. Ҳокимиятдан ёрдамларини дариқ тутмасликларини сўрадилар. Ишонамизки, бу илтижо ва таваллоларга келажакимиз бўлган болалар камолини ўйлаган, қолаверса, эл-юрт истиқболни учун жонкуяр бўлган ҳар бир раҳбар бевътибор бўлмайди.

Энди мактаб. Ёнмасин элнинг эртаси...

Равиль АЛБЕКОВ, Вафо ФАЙЗУЛЛАЕВ, «Тоғ юлдузи» мухбирлари.

«ҚАЛДИРҒОЧ»НИНГ ОМАДИ КЕЛДИ

Яқинда мактабимизда «Табиат ва биз» мавзуда кўрик-мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақа иштирокчилари ўзлари парвариш қилаётган ажойиб қушчалар ҳамда муаттар гулларини мактабга олиб келишди. Қушларнинг бир-бирларига гал бермай сайрашлари, қайси гулларни қандай парвариш қилиш ҳақидаги савол-жавоблар, айниқса, сардорлар беллашуви йиғилганларда зўр таассурот қолдирди. 7-«Б» синфининг «Қалдирғоч» гуруҳи мусобақа ғолиби бўлди.

Кеча тугади, лекин унинг иштирокчилари Оқбўтаева, Саидқулов, Тошева, Исломова сингари ўқувчилар билан улар атрофини қуршаб олган болаларнинг сўхбатлари, савол-жавоблари анча-гача давом этди.

Т. РАҲМОНОВ,

Навоий вилояти, Нурота тумани, Нодира номидаги мактаб ўқувчиси.

АМАРАНТ

70-йилларга келиб, австриялик олимлар Амарант ўсимлигининг жуда фойдали эканлигини исботлаб беришди. Унинг таркибида С витамини кўп, оқсил моддаси ҳамда микро-элементларга бой, жуда тўйимли. Унинг тўйимлилиги сут маҳсулотлари билан тенглаша олади. Уруғидан олинадиган ёр моддаси барча кўринишлари билан облепихо ёнғина мос келади ва нурланиш касалликларини даволашда қўлланилади. Шунингдек, амарант буйрак, нерв касалликлари, ортиқча семирб кетиш, қандли диабет ҳамда операциядан кейинги даволашда ёрдам беради. Барглари витаминга бой, мазаси салатни эслатади. Уруғи бўлса, ёнғоқсимон, нон пиширинида фойдаланилса ҳам бўлади. Қизилрилганда қовурилган маккажўхори сингари қарсиллайдиган маҳсулотга айланади. Ама-

рант ўсимлигидан эҳче, қанчадан-қанча таом тайёрлаш мумкин. Унинг гуллагунга қадар йиғиб олинган пояси ҳамда янги чиққан япроқларидан қарам маҳсулотидек фойдаланилса бўлади.

Қисқаси, амарант — бу иккинчи нондир. АҚШ, Хитой каби давлатларга бориб келган қишлоқ хўжалиги ходимларининг таъкидлашича, АҚШнинг ўзида амарантдан тайёрланган 40 турдан ортироқ парҳез маҳсулотлари сотилар экан. Наҳотки, бу мамлакатлардан яна ўн йилларча орта қоламиз? Бу ажойиб ўсимлиқни ўстиришни хоҳлаганларга эса мен озроқ миқдорда уруғлик юборишга тайёрман. Мақтубларни қуйидаги манзилгоҳга юборинг: инд. 618020, Пермь вилояти, Пермь тумани, Култаево қишлоғи, Космонавтлар кўчаси, 8 а-11, В. В. Шипко.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

«Қадрли «Нилуфар» клуби. Мен қуш боқишга қизиқман. Лекин уларни нима билан боқиш, қандай парвариш қилиш кераклигини билмайман. Шулар ҳақида маслаҳат ва йўл-йўриқлар берсангиз.

Авазбек ҲАЙДАРОВ,

Фарғона вилояти, Езёвон туманидаги Мингчинор қишлоғи».

Канарейка хонаки, кўриниши чиройли бўлган қушлардан бири. Овози ёқимтой бу қушчани кўп-кўп кишилар уйда асрайдилар.

Ягона шарт канарейка катанга эркин ҳаракатланиши зарур. Бу қушчалар чўмилишни хуш кўришади. Шунинг учун катанга ичига махсус идишчада чўмилиш учун сув (албатта тоза сув бўлиши шарт) қўйиш зарур. Бошқа бир идишда эса ювилган дарё қуми қўйишни унутманг. Бу қум қушчаларга овқат ҳам қилдиришда қўл келади. Барча қушчалар сингари канарейкалар ҳам майда тошчаларни ютишади.

Таркибида минерал бўлган емишлардан сувда қайнатилган тухумнинг майдаланган пўчоғи ёки қумга аралаштирилган кальций глюканат ҳам унга озуқадир.

Асосий донли озуқалари қуйидагилардан иборат: рапс, салат, каноп уруғи, тарих, кунгабоқар пистаси. Бир кунда 3—5 писта донаси бериш kifоя. Мева ва сабзавотлар, (укроп, петрушка, ва бошқа ош кўкларидан ташқари) қоқигул барги ва гули, қайин дарахтининг шохчалари ва қуртаклари ҳам яхши озуқадир.




МУТЛОҚ ҒОЛИБ

Ж. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

Улкамизда баҳор... У гўё қишги шимакка кетган эринчоқ табиатни ошроқ мовий кўрмасдан тортиқдан-тортиқлай унғотётгандек. Атрофини назар ташлаб, жимгина қулоқ тутинг: алағоч дарахтлар ҳам худди нисонлар сингари нафас олаётгандек, турфа гуллар уйғунга қонган гудак мисоли кўзларини уқалаб атрофга алағлаётгандек, яшил қовушчасини кийиб олган ирмоқчалар шўх қўшигини кўйлаб, югуриб кетаётгандек, турли нисон ўлкаларда бўлиб қайтган қушлар эса бир-бирларига айтадиган гаплари йиғилиб қолиб, чугурлашмаётгандек...

Авиз болажонлар! Юрнлар, табиат қўйнига чиқайлик, фурсатини бой бермай кучатлар ўтказайлик, мактабларимиз атрофини боғу роққа айлантирайлик. Қушлар, хайвонлар билан дўстлашайлик.



УЗОҚ ҚУРИГАН

ҚЎЛҚОП

Кийим-бошларни ювгандан кейин қуриштириш лозимлиги ҳаммага аён. Амрико штатларидан бири Мэрилендада истиқомат қиладиган бир аёл қўлқопларини ювиб, қуриштириш учун илиб қўйган экан. Бир жуфт хонаки қуш бошқа қулайроқ жой топилмагач, кўпайиш учун қўлқоп ичини танлашибди. Ёш полапонлар қанот чиқариб, ўз «кошона»ларини тарк этмагунларича, қўлқоп «қуриб» турибди.

НАЖОТ ИСТАБ...


Орол бўйи экологияси хавф остида қолган кезларда нураб бораётган мактабимизни тарк этиб, жамоа хўжалигимиз томонидан қуриб берилган янги типовой мактаб биносига кўчиб ўтдик. Зўр ғайрат билан янги мактабимиз ҳовлиларини, атрофини кўкаламзорлаштириш ишларини бошлаб юбордик. 112 туп гуҷум, 46 туп узум, 75 туп олма, 46 туп ўрик каби мевали ва қатор манзарали дарахтлар ўтқазиб, парвариш қила бошладик.

Гуркираб ўсиб келаётган гуҷумларимиз яна бир вабо — гуҷум қурти исканжасига тушиб қолди. Туман ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси ходимлари келиб, дори сециб кетишди, фойдаси бўлмади.

Қадрли «Нилуфар». Гуҷумларимизни Вабодан қутқаришнинг чораси бормикан? Мутахассисларнинг маслаҳатларига муҳтожмиз.

Мичурин номи мактабда фаолият кўрсатётган «Яшил бойлик» гуруҳи аъзолари номидан Муҳаббат ТУРСУНОВА.

Хоразм вилояти, Қўшқўйир тумани.



Биологлар янги ҳашаротларнинг турларини қидириш мақсадида доимо дала-ларда юришади. Бутунжаҳон табиатни ҳимоя қилиш президенти Кэтрин Фуллер эса шундоқгина бурнининг тағида янги ҳашаротни кашф этади. Телефон трубкасига ёпишиб турган митти чумолиларни текширтириш ниятида мутахассисларга мурожаат қилади. Аниқлаштиришча бу чумолилар музлақо янги турга мансуб экан. Тахминларга қараганда бу «паттасиз йўловчилар» Вашингтонга Марказий Амриқодан келтирилган каттақон хонаки пальма дарахти пояларидан келиб қолган бўлиши мумкин.



Великобританиялик мутахассисларнинг фикрича сотувдаги махсус полиз қўриқчилари жуда кам самара бермоқда. Қушларни қўриқтириш учун махсус тайёрланган бундай қўриқчилар улар ўрнатилган дастлабки кунлардагина наф беришти холос.

Инглиз олимларининг фикрича, бундай полиз қўриқчилари бирор йиртқичдан қўриқиб, қочиб қутилишга интилаётган ёки ундан жабр кўрган қуш қиёфасида тасвирлангани керак. Шу мақсадларда полизларга йиртқич ҳамласидан қочаётган роз тасвирланган қўриқчи ўрнатилди. Янги усул ижобий самара беришти: бу майдонлар қушлардан ҳоли бўлди.

05-50, ОЛГИР ҚАРҒАЛАР-ЕЙ!

Дадам жажжигина кучукча совға қилдилар. У жуда ҳам ширин, паҳмоқчина. Ҳовлида юрсангиз, оёқларингиз орасида ўралашиб, ўйин қилади. Оёқ кийимларини олиб қочиб, «боладимми?» дегандек думини ликилластади. Унга эрқалатиб «Бўрон» деб лақаб қўйдим.

Тунов кунни кучукчамнинг ёнига каттагина суяк ташладим. Бўрон суякни тишлаганча ҳовлининг бир чеккасига югуриб кетди. Мароқ билан суяк қажиятини кузатиб турдим. Шу пайт унинг ёнига катта қора қарға учиб келиб, суякни торта бошлади. Ўлжасини олдириб қўйишдан хавотирланган кучукчам иррилаганча қаргани кува кетди. Лекин зумда ортига қайтиб, «ўз «иши» билан машғул бўлди. Шунда унинг атрофини уч нафар қарға ўраб олди. Икки нафари олд томондан, биттаси эса орқа томондан қарғилашиб кела бошлади. Орқа тарафдаги қарға кучукчамни чўқиб орқага тисарилди. Кучукчам иррилаганича унга ташланди. Суякни эса бошқа бир қарға олиб қочди.

06-бо, олғир қарғалар-ей!

Санжар ЖАЛИЛОВ,

Тошкент шаҳридаги 249-мактаб.



ИШОНМАСАНГИЗ, КУЗАТИБ КЎРИНГ

ЕКИ СЕХРҒАР ТАБИАТ ҲАҚИДА

- Агар эртазаб қўюқ шудрини туғса, ҳаво яхши бўлади. Шудрини бўлмаса, Ёшгир ёғади.
- Эртазабдан яри учса, ҳаво очиб бўлади. Аншо кўрғоқнинг кўнда яри чақиб олмишдан ўзининг асрали. Бундай пайтда унинг иниси захри жуда ўчир бўлади.
- Қўндаги наманак орасида яшил ранг кўп бўлса, Ёшгир ҳам кўп ёғади.
- Қуёш чикки олтидан ҳаво дим бўлса, ёнгарчилик бўлади.
- Чумчуқлар тупроқда «чумилниша» Ёшгир ёғади.
- Ёз кунларида кўроз нечки соат олтидан олдин қичқирса, Ёшгир ёғади.
- Ўсимлик барглари ёки ўтларнинг учида Ёшгир томчилари яшилмо турса, Ёшгир ёғади.
- Веда ҳавонини бузилиши олтидан барглари бир-бирига ақиллаштириб, ағалиб олади.

ЖАҲОН БОЛАЛАРИ ШЕЪРИЯТИ

Фозил ҲУСНИ ДОҒЛАРЖА,
турк шоири.

Кўр тошлар

Кўзлари йўқ бирорта
тошнинг
Кўз бўлганда эди уларда.
Обғимга урилмасдилар.
Кўз бўлганда эди тошларда
Шамолдайин елган маҳалим
Қоқилмасдим уларга ҳечам.

Обим менга дейди

Мен ухлаган пайтларимда
Учиб кетар эмиш кўзларим.
Юлдузларга айланмоқ учун.
Мен ухлаган пайтларимда
Учиб кетар эмиш кўлларим,
Мен ухлаган пайтларимда
Учиб кетар эмиш овозим,
Айланармиш сирли
қушларга...

Сюзон ва капалак

(Фаранг халқ кўшиғи)
Сюзон шошар мактабга
Бўлганча халак.
Қанот қоқар бошида
Гўзал капалак.
Сюзон унга сўз қотар:
Ҳой, шошма андак.
Сюзон унга сўз қотар:
Ҳой, шошма андак.
Уқиш билан иши йўқ
Бахтли капалак!
Уқиш билан иши йўқ
Бахтли капалак!
Кел, гулларга бўлайлик
Гирди-капалак.
Кел, гулларга бўлайлик
Гирди-капалак.
Хуш қол, ҳозир қўнғироқ
Қаноти мпак...

Ямато қўшиқлари

Эриб бўлди ҳовуздаги муз
Яна яшай бошлади бирга.
Сув билан сув
қадрдонларча...
Тэйсипу.
Гоҳо одамлар ёнига келар,

Узоқлашар гоҳо улардан.
Кўрқиб-кўрқиб митти
чумчуқча...
Ониқура.

Кўзларингни очақол, қани,
Уйғонақол, капалак, тезроқ,
Иккаламиз ўртоқ бўламиз!
Басё.

Хўп яхши куйлаяпсан,
Уйинга тушишга ҳам.
Бир уннаб кўр, кўрбақа...

ЁЗ оқшоми
Икки уйча тикилиб тўймас,
Энди гулга кирган ўтлоқча...

Бу қандайин шиллиқурт
бўлди!

Алвон рангли чиройли гулга
Қарагиси келмайди биррови!..
Исса.

Лучезар СТАНЧЕВ,
болқор шоири.

Бармоқлар

Мана кўр, бармоқ неча
Бир, икки, уч, тўрт, бешта.
Бари дўст, бари иноқ,
Бир-бири-ла иттифоқ.
Толяда бўлса улар
Бир кам бешта — етишмас.
Бешинчи бармоғин у
Сўриб оғзидан қўймас.
Бармоқни-ку бўлмас еб,
Толя ўйлар конфет деб.

Шаукат ГАЛИЕВ,
татар шоири.

Бақироқ

Янглаётган ким ўзи!
Ким ўзи у бақироқ!
Товуши бунча баланд
Битай деди-ку қўлоқ.
Эҳтимол у айвондир.
Додлар топа олмай бол!
Балки ит қопган уни
Ари чаққан эҳтимол!
Йўқ, йўқ, у ари эмас,
Тишламаган уни ит.
Сочини олдирибди
Бор-йўғи... бизнинг Рашид.
Урис тилидан Абдурахмон
АКБАР таржималари.



Сиз суратда кўриб турган
ёш санъат гунчалари ўз
фаолиятларини бошлаганларига
ҳали кўп бўлгани йўқ,
лекин шу оз фурсат ичида
баъзи ютуқларни қўлга ки-
ритишга муваффақ бўлди-
лар.

Бу санъатсевар ўқувчи-
лар Тошкент шаҳар, Ок-
тябрь тумани, Ойбек номи-
даги 115-мактабда ўқийди-
лар. Дарсдан бўш вақтлари-
да мактабда ташкил этилган
драма студиясига қатнаша-
дилар. Улар студия раҳбари,
Ф. Файзиёв бошчилигида
«Айтишмачоқ» деб номлан-
ган ҳам кўнгилочар,
ҳам маърифий йўналишдаги
томоша тайёрлайдилар.
Асосан халқ оғзаки ижоди
оҳанглари руҳида тузилган
бу томошаларда лапарлар,
айтишувлар, ривоятлар,
халқ ўйинлари ўрин олган.

Бу томоша матнини ҳам
болаларнинг ёшига мослаб
студия раҳбарининг ўзи
ўқувчилар билан ҳамкорлик-
да тайёрлаган. Муҳими шун-
даки, томоша давомида
болалар ҳар бир номерни
шунчаки ижро этмайдилар,
балки латифа, лапар ва шу
каби халқ оғзаки ижоди
намуналари хусусида мух-

«АЙТИШМАЧОҚ»

лисларга тушунча беришга,
уларнинг моҳиятини, жалқи-
миз маънавиятининг шакл-
ланиши, маданиятининг ўси-
шида тутган ўрнини ифо-
да этишга ҳаракат қилади-
лар. Шубҳасиз, бундан улар-
нинг ўзлари ҳам фольклор
санъатига қизиқиш уйғота-
дилар.

Студия қатнашчилари
дастлаб ўз томошаларини
Октябрь тумани мактаб-
лари ўртасида ўтказилган
«Илҳом чашмалари-92»
кўригида намойиш этиб,
фахрли иккинчи ўринни
қўлга киритишга муваффақ
бўлдилар. Яқинда эса ша-

ҳар мактаб ўқувчиларининг
«Камалак-92» фестивалда
иштирок этиб, фахрли ик-
кинчи ўринни қўлга кири-
тишга муваффақ бўлдилар.
Драма студияси иштирок-
чиси Жаҳонгир Валихон-
ов эса яхши ижрочига аталган
соврин эгаси бўлди. Албатта,
бу ютуқ болаларнинг ғайра-
тига ғайрат қўшиши шубҳа-
сиз. Чунки томоша устида-
ги ишлар ҳали давом этади,
унга янги номерлар қўшила-
ди. Биз болаларнинг бундан
бўёнги ижодий ишлари ва
ўқишларида омад тилаб
қоламиз.

Улуғбек АХРОРОВ.



Меҳрибон қизимиз ҲИЛОЛАХОН!

Сени 12 баҳорни қўтлашинг билан оиламиз аъзолари
номидан чин дилдан қўтлаймиз.
Сенга боқий умр, сиҳат-саломатлик, ўқишларингда
катта ютуқлар тилаймиз.



МИНГБОЕВлар оиласи.
Оҳангарон ноҳияси, Инқи-
лоб қишлоқ шўроси, Чет-сув
қишлоғи.

Севимли фарзандимиз ИЛҲОМЖОН!

Шу йилнинг 27 апрелида 11 ёшга тўласан. Сени
аванг, опанг, синглинг Зулфия, уканг Бекдурди ва Хива
ноҳиясидан онанг, Жонибекжонлар қўтуғ айёминг билан
чин дилдан табриклаймиз. Келгуси ҳаётингда узоқ-
умр, сиҳат-саломатлик, ўқишларингда улкан зафарлар
тилаймиз.



Урганч шаҳри, Коммуни-
стик кўчаси 2-уй. Абдуллаев-
лар хонадони.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Мақтабимиз 1934 йилда
қурилган бўлиб, 2 босқичда
ишлаб турарди. Янги ўқув
йилидан 1 босқичга ўтдию, у
ўзининг 1286 нафар ўқувчи-
си билан ари уйсини эслата
бошлади. Танаффус вақтида
энг қулай синфда ўтириш
бўлиб қолди. Чунки мактаб
йўлакларни одам билан тир-
банд бўлиб кетади.

Шу кунгача бир пой бо-
тинка, йиртилган китоб, бир
нечта дафтарларнинг эгалар-
и қидирилмоқда.

Мақтабимизга комиссия
келар экан, йўлакларда
очилган гуллар пайдо бўлиб
қолди. Узимиз ҳам ўша кун
дарсларга кирмай, йўлаклар-
да «соқчилик» қилиб тур-
дик. Бир дақиқага келиб-ке-
тувчи комиссия вакиллари
ҳам бизнинг нега дарсларга
кирмай юганимиз билан
қизиқишмади.

Д. ЗУФАРОВА,
С. ЗОКИРОВА,
Тошкент шаҳридаги
111-мактаб ўқувчилари.

ОЛИЯХОН! Сен бу баҳор 9 ёшни қаршилайсан. Шу
муносабат билан биз сени қўтлаймиз. Сенга соғлиқ-са-
ломатлик, фақат аъло баҳолар билан ўқишингни тилай-
миз. Омад ва бахт ҳамisha сенга ёр бўлсин.



10 ёшнинг муборак,
Суюк фарзандим.
Ҳамиша соғ бўлгин,
Бўлгин омадлик.

Ушбу тўртлик орқали Шерзод Тожибоевни оила аъзо-
лари чин дилдан қўтлайдилар.



Беруний ноҳияси, Октябрь
50 йиллиги жамоаси. Тожи-
боевлар оиласи.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ

Таҳрир хайъати:
В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ (бош муҳаррир
ўринбосари), А. КҲЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА,
Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).

Таъсис этувчи:
УЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
ЛЕНИНГРАД КҲЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтанинг чоршанба
ва шанба кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-
матбаачилик концернининг босмахонаси.
Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.
Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.